

ТОШКЕНТ ХАҲИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 37 (3775)

22
ФЕВРАЛЬ
ПАИШАНБА
1968 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент области Советининг сессияси бўлиб ўтди. Бунда область ижроия комитетининг 1967 йилдаги қилган ишлари ҳисоботи муҳокама қилинди. Ана шу масала юзасидан область ижроия комитетининг раиси Э. Т. ШАЙХОВ доклади қилди.

Шунингдек сессияда область аҳолисини меҳнатга ҳизмати кўрсатишининг аҳоли ва уни янада яхшилаш тадбирлари масаласи кўрилди. Бу ҳақда область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. А. РАҲМАТХҲАЕВА доклади қилди. Сўнгра сақлаш ва социал таъминот бўйича область доимий комиссиясининг раиси К. М. ҚАҲҲОРБЕКОВнинг қўшимча доклади тингланди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. АБДУРАҲМОНОВ нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганларга муносабат билан сессия область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Г. Светленко, И. Х. Ҳидоятлов, область халқ контроли комитетининг раиси И. Р. Раҳматов, область халқ судининг раиси В. А. Расулова, область судининг аъзоси А. М. Беллевларни ўз вазиридан овоз қилди.

Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб С. А. ТОШКУЛОВ, область ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб И. И. БЕЛОУСОВ, область халқ контроли комитетининг раисининг Ш. Ш. ШОМУХИДДИНОВ, область халқ судининг раисининг М. М. МАКСУМОВ, область судининг аъзоси қилиб Н. А. ДУБРОВИН сайландилар.

(Сессия тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида босилади).

МЕХНАТНИ ИЛМИЙ УЮШТИРИШ САМАРАСИ

Оҳангарон ГРЭСи коллективни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш учун бундан бир йилча олдин тайёргарлик кўра бошлаган эди.

Шу вақт мобайнида энергетиклар янгича системанинг афзалликларини, у келтирадиган самараларни пухта ўрганиб чиқдилар. Аввало, ҳар бир ходимнинг иқтисодий билимини ошириш ва чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Нурхонанинг ишлаб чиқариш командирлари учун иқтисодий ислохотни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, резервларни излаб топиш йўллари, меҳнатни илмий уюштириш планларини тузиш ва татиб қилиш каби бошқа муҳим масалалар бўйича лекция ва суҳбатлар уюштирилди.

Станция коллективни олдида, аввало, ҳар бир киловатт-соат электр қувватини ҳосил қилиш учун зарур бўладиган меҳнат сарфларини янада камайтириш вазифаси турарди. Бу ишда барча инженерлар, экономистлар ва иқтисосий ишчилар фаол қатнашдилар. Бундай изланишлар самараси эндиликда ҳаммага маълум.

ГРЭС мутахассислари турбогенератор ва қозон агрегатлари нувватидан фойдаланиш коэффициенти янча миқдорда оширишга эришдилар. Ўтган йил генераторлар коэффициенти 1966 йилдаги 39,63 процентдан 49,15 процентга, қозон агрегатлари коэффициенти эса 34,2 процентдан 39,35 процентга кўпайди. Электр қуввати ҳосил қилиш плани эса 103,1 процент қилиб олди этилди. Истеъмолчилар аҳдидаги учун электр токи юбориш 24 процент ортди.

Нурхона аҳли ишлаб чиқариш самардорлигини юксалтириш соҳасида эришилган бундай ютуқларда меҳнатни илмий уюштириш планларининг амалга оширилиши муҳим омили бўлди, деб ҳисобламоқдалар. Бу ҳаққоний гап.

ГРЭСда меҳнатни илмий уюштириш (МИУ) кенгаши ҳамда санкиста иқтисодий бригадаси тузилган. Уларда инженерлар, экономистлар, ихтирочи ва рационализаторлар самарали иш олиб боришга, бу ҳақда баътафсилроқ суҳбат ўтдилар.

Улар ташаббус билан корхонада талай иш қилинди. Цех ва бригадалар бўйича махсус варақлар ишлаб чиқилиб, цех ва бригада аъзоларига тарқатилди. Уларда нур бунёдкорлари ишлаб чиқариш маданияти, меҳнатни муҳофаза қилиш, маънавий ҳизмат кўрсатиш, иш шaroити ва уни яхши ташкил этишга қаратилган ўз тақдирларини ёзиб қўйилди. Жами 270 тақдир қилинди. Бу ишда жумладан, 6 вахта, 5 бригада аъзолари, ҳаммаси бўлиб 89 киши фаол иштирок қилди.

Нурхонада меҳнатни илмий уюштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиши иш маданиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу борада ҳозир нурчилар ўртасида юксак иш маданияти учун мусобақа бошлаб юборилган. Улар энг янги технология асбоб-ускуналарини ўзлаштиришлар, нурхонада саноат эстетикасини жорий қилиб, иш шaroити ва ходимлар турмушини яхшилаш учун курашяптилар.

Саноат эстетикаси бўйича 9 кишидан иборат гуруҳа ҳам тузилган бўлиб, унинг тақдир билан жами 17 минг квадрат метр бино деворлари, уч минг тоннадан ортиқ металл конструкциялари кишига ҳуш ёқадиган рангларга бўяб қўйилди. Станция территориясини ободлаштириш борасида ҳам талай иш қилинди. Бу ерга беш мингдан ортиқ дарахт, минглаб атиргул, беш мингта янги манзарали кўчатлар экилд. Шунингдек, асосий цех корпуслари олдида бир неча гузлар ҳосил қилиниб, ҳавонинг мусофиро қилиб турувчи фонтанчалар, энг иссиқ цехларда эса ҳодонийликлар ўрнатилди. 1236 квадрат метр йўл асфальтланди, цехларга асфальт ўрнига плиталар ёқирилди. Цехларда санитария-гигиена шaroити ҳам яхшиланди, ҳаво тозаловчи кондиционерлар, кундузги ёруғ берувчи лампалар ўрнатилди ва дохона.

ИЛГОР ЎСУЛЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Энергетиклар меҳнатни муҳофаза қилиш борасида эса МИУ кенгаши ташаббус билан электркорларда товуш сигналлари ўрнатилди, турбина цехлари ёзувлар, телефон буддалари янгиланди.

Меҳнатни илмий уюштириш соҳасида ГРЭСда ишнинг қандай ташкил этилганлиги ҳам пухта таҳлил қилинди, бу борадаги маълумот камчиликлар аниқланди. Иш борадаги қатор амалий тадбирлар белгилаб чиқилди.

Қозон машинистларининг смена қабул қилиб олиш бўйича инструкторлар ҳам қайта кўриб чиқилди, агрегатларни бошқарувчи ишчиларни оқилона қўйишга бўйича бўйича схемалар ҳамда асбоб-ускуналарни қўздан кечириб чиқиш маршрутлари белгилаб қўйилди. Натикада смена қабул қилиш вақти икки баравар камайди.

Оҳангарон ГРЭСида тармоқ график асосида планлаштиришга ўтилганлиги ҳам катта самара беряпти. Айниқса, нурхонадаги агрегатлар ва асбоб-ускуналарни ремонт ишлари анча

яхшиланди. Жумладан, ремонт қилинган асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар барвақт етказиб бериладиган бўлиб қолди.

Инженер-техник ходимлар эндиликда узеллар ремонтни сифати устидан назоратни кучайтиришяпти. Натикада ремонтчилар меҳнати унумдорлиги ошишти, сифати эса яхшиланди. Илгари қозон агрегатлари уч ойдан ортиқ вақт давомида ремонтдан чиқариларди. Ҳозир, бу операцияга анча кам вақт сарфланмоқда. Турбогенератор 38 кун ўрнига ўзоғи билан 33 кун давомида ремонтдан чиқарилмоқда.

Меҳнатни илмий уюштириш кенгаши ва иқтисодий бригадалар кўтарган яна бир ташаббус тақдирга сазовордир. Улар корхонанинг учта цехида энергетикларнинг иккинчи ихтисосидан қандай фойдаланилаётганлигини аниқлаб чиқдилар. Агар 40 ходимнинг иккинчи касбидан ҳар йили икки ойгина фойдаланилса, бундан 8 минг сўмлик иқтисодий самара олинган бўлур эди, дейишди ташаббускорлар. Уларнинг бу тақдирини тўла қўланиш шубҳасиз яхши натижаларга олиб келади.

Ўтган йили нурхонада 19 минг тонна ёқилги тежаб қолди. Янги техникани жорий қилиш бўйича планининг бажарилиши туфайли 300 минг сўмликдан кўпроқ маблағ иқтисод қилинди. 30 га яқин технология янгиликларини жорий этиб, 170 минг сўмликка янги пул тежабди. Электр қуввати таннархасининг камайишидан кўрилган фойда 250 минг сўмликдан ортиқроқни ташкил этди. Ана шундай қувончли натижаларда меҳнатни илмий уюштириш жокуярларининг муносиб ҳиссаси бор.

Корхонада меҳнатни илмий уюштириш борасидаги бу янгиликлар, эришилган ютуқлар доим пропаганда қилиб борилади. Бунинг учун махсус стенд ташкил этилган. Айни вақтда иш маданиятини ошириш ва ишлаб чиқариш тақдирини яхшилаш бўйича мутахассисларнинг лекция ва суҳбатлари тез-тез уюштириб турилади. МИУ планларининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан катъий назорат қилиб турилади. Социалистик мусобақа ғолибларини аниқлашда ишнинг маданияти, меҳнатни илмий уюштиришда эришилган муваффақиятлар ҳам ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда Оҳангарон ГРЭСи коллективни беш йиллик план топшириқларини муқаддас илгари бажариш, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил курашмоқда. Бу ваъданинг устидан чиқинга меҳнатни илмий уюштириш жокуярлари ҳам шубҳасиз катта ёрдам берадилар.

В. САЖНОВ,
инженер-энергетик.



Воронежлик бинокорлар шу кунларда Тошкент марказида кўрам турар жойлар бунёд этишяпти. Қад кўраётган ишоратларга ғишт терувчи М. Гусеванинг ҳамқўли теккан. Моқир курувчи кундалик топшириқларини ортиги билан олди, қўлчиллик ҳурматига сазовор бўлаётир.

ПАРКЕНТ ЯЙЛОВЛАРИДА

Чотқол тоғининг кенг бағрида Паркент яйловлари жойлашган. Бу яйловларда «Коммуна» колхозининг 6 миң бошқа янги қўй-қўзиси боқилади. Ёзининг иссиқ кунларида кенг тоғ бағрилари қўмқўй майсалар, булоқларнинг мўздек айланиб суларган ойнаи жидловларидан яйловлар сермахсул қўйларининг ихтиёрида бўлади.

Бу кенг яйловда колхознинг сердаромад тармоқларидан бири бўлган қўйчилик йилдан-йилга кенгаймоқда. Ўз дастури хонига гўшт, ёр, қийим-кечак учун майин жуи етказиб беришмоқда.

Бундан 12—13 йил илгари «Коммуна» колхозида жайлар, дағал жуни думбали қўйлар боқилар эди. Кам махсул бўлиб қўйлардан атиги 0,6—0,7 килограммдан дағал жуи қирқиб олинар эди. Гўшт учун топшириладиган қўйларнинг тирик вазни 25—28 килограммдан ошмасди. Кейинчалик колхоз правленеис республика қорвочилик илмий-техник институт билан ҳамкорликда қўйларнинг зотини яхшилаш, махсулдорлигини ошириш мақсадида талай иш олиб борибди. Бу соҳада институт профессори, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори П. Ф. Князкин бошлаган бир гуруҳа илмий ходимлар жон қўйдиришди.

Паркентнинг тоғ яйловларида қайси зотли қўй яхши қўйилликни фиқрини банд қиларди. Кўп ўтмай муаммо ҳал этилди. РСФСР областларидан майин жуни, сермахсул келтирилди. Ўзлар Паркент яйловларидан иссиқ шaroитда ўзини яхши ҳис қила бошлади.

Икки-уч йилдан кейин натижа ёмон бўлмади. Жайлар, дағал жуни қўй билан майин жуни қўйдан ярим майин жуни сермахсул янги зотли қўйи олинди. Бунга ярим майин жуни «Паркент» зоти деб ном берилди.

Эндиликда «Коммуна» колхозининг қўйбола қўйларини боқиб, катта даромад олмақда. Ҳар бош қўй 3, 8—3,9 килограммдан ярим майин жуи, 60—70 килограммдан ёрли гўшт бермоқда.

Колхознинг илгор қўпони Ризо Мужабоев ҳозир шу фермага муқдирлик қилмоқда. Тажрибали қорвдор Ризо ака қўйларни қаерда, қачон боқиб сирларини яхши билади. Ферма қўпоналари Ризо акадан масалалар сўраб туряпти. Ёзининг саратон, қишнинг қишда қўйларда ҳаммаи бирга бўлиб яйловда гаштини сурадилар. Улар боқимдаги қўйлар соғлом, сермахсул бўлиб ўсмоқда.

Ўтган йили колхознинг ялдор қўпоналардан Чиная Амелова ҳар 100 бош соғилдан 134 тадан қўзи, ҳар бош қўздан 3,9 килограммдан жуи, Абдуқўдр Алматов 130 тадан қўзи, 3,7 килограммдан жуи, Сервер Мужабоев 128 тадан қўзи, 3,7 килограммдан жуи қирқиб олди. Колхоз ўтган йили фақат жуининг ўзидан 48 минг сўмдан кўпроқ даромад олди.

— Бу ютуқларнинг сирини — дейди ферма муқдир Ризо Мужабоев, — қўйларни қиш-ловдан соғлом ва семиз олиб чиқаришда, уларни қишнинг яйловда усталик билан боқиб, дағал қўйлар учун етарли қўйхоналар қуришдан, мулк-қўл ем-ҳашак тайёрлашдан, қўпоналар барча шaroитлар яратиб беришдан.

Янгида бўлиб ўтган иқтисодий конференцияда қўйчиликни янада ривожлантириш, уни ҳўжаликнинг энг сердаромад тармоқларидан бирига айлантириш режалари тузилди. Беш йиллигининг учинчи йилида колхоз қорвадорлари бу ютуқларни янада мустаҳкамлаб, қўзи олиш, жуи қирқиб, гўшт етштириш бўйича олган социалистик мақбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

М. ҚОБИЛОВ.

„КОСМОС-202“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ


1968 йил 20 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-202» учирилди.

Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программаларга мувофиқ, космик фазонинг тақдир қилишнинг давом этириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: — Ўртадан айланиш даври — 91,5 минут; — Ер юзасидан энг ўзоқ нуқта (апогейида) — 502 километр; — Ер юзасидан энг яқин нуқта (перигейида) — 220 километр; — Орбитанинг оғиши — 48,4 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари, орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема; приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Кордациялаш — ҳисоблаш маркази олинатган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.



Қўйлик ремонт-механика заводи қишлоқ ҳўжалик техникасини ремонт қилувчи устаканалар учун қўйлаб гидропресслар тайёрлаб бермоқда. Суратда: пех бошлигининг ўринбосари В. Рассохин ва контролер мастер Т. Паршин ўртоқлар жунатишга тайёр қилиб қўйилган гидропрессларни қўздан кечирмоқдалар.

СОВЕТ ПАХТАСИ СОТИЛАДИГАН МАМЛАКАТЛАР

Ўзбекистон заводларининг йил бошидан бери Корея Халқ Демократик Республикаси тўқимачилирига жунатган пахта толасидан ўн миллион метр газлама тўқини мумкин.

Бундан 30 йил муқаддам халқаро босмага пахта толаси чиқара бошлаган СССР ҳозирги кунда Осиё, Европа, Америкадаги йигирмадан ортиқ чет давлатларга пахта сотмоқда. Шу мамлакатларнинг ҳаммасида Ўзбекистон «оқ олтин»ни юбормоқда. Чотта чиқариладиган ҳамма пахтанинг 78 проценти Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Бутунитиҳоқ «Экспортлен» бирлашмаси пахта конторасининг бошлиғи С. В. Подовнева ЎзТАГ муқбири В. Шевцов билан суҳбатда бундай деди: чет элларда мижоз ортиромоқ учун АҚШ, Мексика, Сурия, Греция, Туркия ва бошқа мамлакатлар чиқарётган пахта рақобатида устуи келмоқ керак эди. Бунда тўқимачилар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар СССРдан олинган пахта толаси билан танишиб чиққан, бу толага юксак баҳо бердилар. Ёзининг саратон, қишнинг қишда қўйларда ҳаммаи бирга бўлиб яйловда гаштини сурадилар. Улар боқимдаги қўйлар соғлом, сермахсул бўлиб ўсмоқда.

АҚШдан сўнг иккинчи ўрини эгаллади. Социалистик лагерь мамлакатлариданги тўқимачилик корхоналарининг

